Ушбу сонда:
2 «Бандлик» дастури амалда — ИККИ МИНГ КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ
3 TV - ДАСТУРИ
4 Воқеа арафасида — ЎЗБЕК КУРАШИ ОЛИМПИАДА ДАСТУРИГА КИРИТИЛАДИ...МИ?

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ ВАХТ
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 2 декабр, шанба №173 (1005)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

XXI АСРГА 29 КУН ҚОЛДИ

Кимики маърифатни этса эъзоз,
Ани ирфон этар албатта мумтоз.
Ўзингни элга хизматкор эткиз,
Ишинг анжомига еткунча еткиз.

Анбар ОШИН.

ПРЕЗИДЕНТ МИНСККА ЖЎНАБ КЕТДИ

1 декабр куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этиш учун Беларус пойтахти - Минскка жўнаб кетди.

Саммитда МДҲга аъзо мамлакатларнинг деярли барчасидан президентлар иштирок этиши кутилмоқда. Мажлисда МДҲ доирасида интеграциялашув жараёнини янада жадаллаштириш билан боғлиқ кўплаб масалалар муҳокама қилиниши кутилмоқда. Хусусан, эркин савдо зонаси барпо қилиш борасида имзоланган ҳужжат ижросини таъминлаш, Ҳамдўстлик доирасида ягона аксилтеррор маркази тузиш, жиноий йўллар билан қўлга киритилган маблағларнинг қонуний-лаштирилишига қарши курашиш билан боғлиқ масалалар саммит кун тартибидан ўрин олган.

Ўзбекистон раҳбари саммитда асосий эътиборни МДҲ мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга қаратмоқчи. Жумладан, Ўзбекистон Ҳамдўстлик доирасида эркин савдо зонасини барпо этиш борасида тезроқ амалий ишларга ўтиш тарафдори.

Саммит доирасида президентларнинг яккама-якка учрашувлари ҳам режалаштирилган.

(ЎзА).

МДҲ: ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ УЧРАШУВИ

МИНСК, 1 декабр. ЎзА махсус мухбири Анвар Каримов хабар килади:

МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисидан олдин Ислом Каримов Россия Президенти Владимир Путин ва сўнгра Беларус Президенти Александр Лукашенко билан алоҳида-алоҳида мулоқотда бўлди. Учрашувларда ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш, МДҲ доирасида ҳамкорликни, айниқса, иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш масалалари хусусида сўз борди.

Шундан сўнг МДҲ делегацияларнинг аввал тор доирада, кейин кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Музокараларда Минск саммити кун тартибидан жой олган барча масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Мамлакатимиз раҳбари муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистоннинг ёндашуви ва қарашларини баён қилди.

Учрашувларда МДҲ доирасида аксилтеррор маркази тузиш, ғайриқонуний йўллар билан топилган пулларни қонуний-лаштиришга қарши курашиш, Ҳамдўстлик доирасида қабул қилинган, лекин ишламаётган ҳужжатларни бекор этиш масалалари кўрилди.

(ЎзА).

ИҚТИДОРЛИЛАР - ФАХРИМИЗ

Таваккал Қодиров номли Фарғона Давлат санъат билим юрти шу кунгача уч мингдан зиёд малакали мутахассис тайёрлади. Ҳозирда ушбу масканда 345 нафар ёш санъаткор таҳсил олмоқда.

Суратларда: иқтидорли мутахассис Гулнора Шодиева; умидли ижодкорлардан бири, 4 курс талабаси Гулчеҳра Миниматова.

М.ҚОДИРОВ олган суратлар.

ХАЙРИЯ ЎН КУНЛИГИ

Андижон вилоятида декабр ойининг биринчи ўн кунлиги хайрия кунлари, деб эълон қилинди. Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад -Қизил Ярим ой Миллий жамиятининг вилоят кенгаши ҳисоб рақамига пул маблағлари тўплашдан иборат. Хайрия ўн кунлиги давомида келиб тушган маблағлар ногиронлар, ёлғиз қариялар, шунингдек, кам таъминланган оилалар ва фавқулодда ҳолатлардан азият чеккан кишиларга берилади.

Ташкилотчилар мазкур тадбирнинг айнан Рамазон ойида ўтказилаётгани хайрия иштирокчилари сонини янада оширади, деб умид қилишмоқда.

МЕҲР-МУРУВВАТ БАЙРАМИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан эълон қилинган 3 декабр - халқаро ногиронлар куни республикамизда ҳар йили кенг нишонланади. Бу йил ҳам мамлакатимизда ушбу кун муносабати билан кўплаб тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги Темирйўлчилар маданият саройида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазири О.Обидов сўзга чиқиб, мамлакатимизда ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётгани, ногиронларни реабилитация қилишга катта эътибор берилаётгани, уларга билим бериш, касбга йўналтириш, жисмоний чиниқтириш борасида ҳам анчагина ишлар қилинаётганини таъкидлади.

Тадбирда бир гуруҳ ногиронларга Ижтимоий таъминот вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Марказий кенгаши, турли жамғарма ва ташкилотлар томонидан совғалар топширилди.

Маросим сўнгида санъаткорлар ижросида ажойиб куй ва қўшиқлар янгради.

(ЎзА).

МУБОРАК ЗИЁРАТ ТАДОРИГИ

Вазирлар Маҳкамасида 2001 йилда ҳаж зиёратини ташкил этиш ва ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Йиғилишни Бош вазир ўринбосари Х.Кароматов бошқарди.

Таъкидланганидек, ҳар йили мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан фуқароларнинг муборак зиёратга бориши учун кенг имконият ва имтиёзлар яратиб берилмоқда, ҳажга боришни ният қилган барча мўъмин-мусулмонларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бу борада республика ҳукуматининг «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарори катта аҳамиятга эга. Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, муборак ҳаж амалларини адо этишда қулайлик, имтиёз ва зарур шароитни яратишга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида муайян чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, ҳаж сафарини ташкил қилишда мусулмонларнинг талаб-эҳтиёжларини адолатли равишда қондириш, зиёратчиларнинг бориб-келишлари учун қулай шароит яратиш, Арабистоннинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда зиёратчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, ҳажга кетаётган ҳар бир фуқаро учун бир ярим минг АҚШ долларини имтиёзли - воситачилик ҳақи олмаган ҳолда алмаштириб бериш кўзда тутилган.

Сўзга чиққанлар ҳукуматимиз яратиб бераётган бундай имтиёзлардан унумли фойдаланиш, ҳаж мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш, бўлғуси ҳожиларнинг аризасини ўз вақтида адолатли кўриб чиқиш ва зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш лозимлигини қайд этди.

Шу билан бирга, йиғилишда Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунларини ўтказишга доир масала ҳам кўриб чиқилди. Ҳукумат қарорига кўра, дўстқардош икки халқни бир-бирга янада яқинлаштирувчи бу тадбир пойтахтимизда 15-18 декабр кунлари бўлиб ўтади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари А.Мелибоев, З.Ҳуснидинов иштирок этди.

(ЎзА).

ЖАМҒАРМА СОВҒАСИ

«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Андижон вилоят бўлими ногирон-ўсмирлар байрамини ташкил этди. Болаларга байрам дастурхонлари тузатилди. Жамғарма номидан уларга турли совға ва китоблар топширилди.

Андижон шаҳар халқ таълими бўлимининг ижодий гуруҳи истироҳат боғида катта концерт дастурини намойиш этди. Байрам дастури қизиқарли ўйинлар ва танловлар билан янада бойиди.

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

ЁШЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Бухорода ўзининг меҳр-муруввати билан кўпчиликка ибрат бўлаётган тадбиркор аёллар сафи тобора кенгайиб бормоқда. «Олмос» фирмаси етакчиси Дилором Файзиева ҳам ана шулардан биридир.

Истиқлол шукуҳи кўплаб юртдошларимиз қатори бу аёл қалбида юрт равнақига ҳисса қўшиш туйғусини жўшдирди. У турмуш ўртоғи — қоракўлшунослик бўйича мутахассис Раҳмон Ҳусаинов билан маслаҳатлашиб, «Олмос» фирмасини ташкил этди. Дастлаб қурилиш-ободонлаштириш юмушларига эътибор қаратилди. Ана шу мақсадда шаҳар марказидаги ташландиқ жой танлаб олинди.

— Биласизми, дилга эзгу ниятни жо қилиб, ишга киришсангиз, омад сизга кулиб боқар экан. Шарқ Ғарб меъморчилигини ўзида мужассамлаштирган фирма офисини яратганимизда қувончимизнинг чеки йўқ эди, - дейди фирма раҳбари. — Узукка қўйилган кўздек ярашиқли, кўркам бу маскан тезда шаҳарликлар учун энг гавжум жойлардан бирига айланди. Ўн нафардан ортиқ пазанда учун янги иш ўрни яратилганлигини айтмайсизми? Энг муҳими, бу ерда сизни хуш кайфият ила кутиб олишади. Айтганингни имкон қадар тезроқ ҳал қилишга ҳаракат қилишади. Замонавий қуйқўшиқлар сеҳри дилингизни чулғайди. Хуллас, тамадди баҳона маззмунли дам олиб, руҳан тетиклашасиз.

— Бу ерни «Ёшлар қаҳвахонаси», десак тўғрироқ бўлар, - дейди Бухоро Давлат университети доценти Умар Рашидов. — Негаки, у ҳамиша талабалар билан гавжум. Туғилган кун, мучал ёши, никоҳ давралари ва яна кўплаб тадбирлар ҳам шу ерда ўтказилаяпти.

Ишчи Камол Қодиров, қурувчи Шуҳрат Болтаев, ҳайдовчи Насриддин Сирожев ва яна ўнлаб хўрандалар таомлар сифати ва хизмат кўрсатиш маданиятидан мамнун эканликларини изҳор этдилар.

Бунга қўшимча қилиб шуни айтиш жоизки, нафақат юртдошларимизга, балки Бухорога ташриф буюрувчи чет эллик сайёҳларга хизмат кўрсатувчи шахсий меҳмонхона қурилиши ҳам ниҳоясига етай деб қолди.

— Вилоят Бизнес-Фонд бўлимига раҳмат. Ишончли ҳамкор сифатида оғиримизни енгил қилишда ўз ёрдамини аямаяпти, - дейди Д.Файзиева.

Ҳадемай, меҳмонхона ишга тушгач, яна ўнлаб кишилар учун янги иш ўринлари яратилади.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

Масала кўндаланг қўйилади

БЕБАҲО МУЗЕЙГА муносабат шуми?

Нукус шаҳридаги бу маънавият ва маърифат марказини олис хорижда ҳам жуда яхши билишади. Мазкур масканда сақланаётган археологик қазилмалар пайтида топилган ноёб осори атиқалар, қоракалпоқ халқининг миллий кийим-кечакларини, мамлакат ва жаҳон мўйқалам усталарининг нодир суратларини ҳар куни кўплаб ихлосмандлар келиб кўради, олам-олам эстетик завқ олади.

Бу қутлуғ даргоҳга ташриф буюрувчилар орасида АҚШ, Франция, Германия, Голландия, Бельгия, Япония, Корея каби мамлакатлардан келган санъатсеварларни учратиш мумкин. Бу мўътабар маскан Қорақалпоқ давлат Санъат музейидир. Ўрта Осиёда ўз мавқеига эга бўлган бу бебаҳо хазиналар уйи ташкил топганига ҳам мана 34 йил бўляпти. Унинг ходимлари 84 мингдан зиёд экспонатларни кўз қорачиғидек авайлаб сақлашга, келгуси авлодларга етказишга баҳоли қудрат ҳаракат қилаётирлар. Санъат шайдолари экспонатларнинг асл ҳолида сақланаётгани учун жонкуяр ходимларга тасаннолар айтаётгани ҳам бежиз эмас. Музей директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Каромаддин Солиев шундай дейди:

— Маълумки, санъат музейларида фонддаги экспонатларни асл ҳолида сақлаш учун нормал шароит, биринчи галда белгиланган ҳарорат зарур. Бахтга қарши бизда бундай шароит йўқ ҳисобида. Экспозиция учун хоналар етишмайди. Ваҳоланки, 1995 йили Германияда, 1998 йили Францияда музейимиз экспонатларидан ташкил этилган кўргазмалар Европа санъат оламида катта шуҳрат топди. Демак, шарт-шароитлар яратиб берилса, маънавий-маърифий соҳаларда ҳам жаҳонга юз тутишимиз учун манба етарли. Энди асосий мавзуга қайтсак. Санъат музейининг ўлка маданий ҳаётида тутган ўрни эътиборга олиниб, бундан 27 йил олдин, яъни 1973 йили шаҳар марказида махсус бино пойдеворига дастлабки ғишт қўйилди. Иморатнинг ўша пайтдаги лойиҳа баҳоси 4 миллион сўм қилиб белгиланди. Аммо, санъатсеварлар қувончи узоққа бормади. Ҳадемай, бу объектдаги қурилиш ишлари ўлдажўлда қолиб кетиб, халқ орасида «Туя гўшти еган қурилиш», дея ном олди.

Эътироф этиш лозим, мустақилликдан кейин бебаҳо бойликка эътибор тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан музей иморати 1995 йили фойдаланишга топшириладиган объектлар рўйхатига киритилди. Қорақалпоғистон республикаси ҳукумати раҳбарлари иншоотга ташриф буюриб, қурилишнинг боришини бир неча марта муҳокама қилишди, уни тезроқ фойдаланишга топшириш юзасидан ваъдалар берилди. Аммо... Қурилиш учун 1996 йили ажратилган 6 миллион 978 минг сўм маблағнинг атиги 2 миллион 780 минг сўми ўзлаштирилди, холос. Ундан кейинги йилларни тадрижий равишда таҳлил қиладиган бўлсак, аҳвол йил сайин ёмонлашиб бораётганига ишонч ҳосил қиласиз. Масалан, 1997 йил 10 миллион сўм маблағ ажратилган бўлса, фақат 3,5 миллион сўмлик ишлар ўринланди. 1998 йилги 31 миллион сўмдан 19 миллион сўми иншоот қурилишига сарфланди. Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгашининг 1998 йил 29 октябрдаги 298/10-сонли қарорига биноан 55 миллион сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган эди. Бироқ, шу йилнинг ўзидаёқ 312-сонли қарор билан шу маблағдан 7 миллион сўми Бердақ номидаги музей қурилишига ўтказиб юборилди. Маблағ билан бирга Санъат музейида иш олиб бораётган қурувчилар ҳам Бердақ музейи биноси қурилишига жалб қилинди. Икки қўённи қувган бирисига ҳам етолмайди, деганларидек ҳалига қадар Бердақ музейи биноси ҳам фойдаланишга топширилгани йўқ...

Музей мутасаддиси К.Солиевнинг қуйинганича бор экан. Яқинда биз шу объектда бўлдик. Шундайгина шаҳар марказида қад кериб турган туташ бинода ҳеч кимни учратмадик. Битта кўтариш крани тиклаб қўйилган, у ҳам кўпдан бери чанг босиб ётибди. Бино хоналари ўта ифлос, ким билади, қайси бир дайдиларга бошпана бўлиб қолган, чунки ҳеч бир хонада эшик йўқ, хатто бу ерда қоровул ҳам кўзга ташланмайди. Иморатнинг шундайгина рўпарасида Амет ва Ойимхон Шомуродовларнинг муҳташам уй-музейи қад ростлаб турибди. Бу маскан билан Санъат музейи учун қурилаётган бинони ажратиб турган кўча бўйлари эса ахлатга тўлиб кетган.

Бир сўз билан айтганда, Қорақалпоғистоннинг бебаҳо хазинаси — Санъат музейи учун яхши ниятлар билан бошланган бино ҳақиқий маънода «музлатиб» қўйилганлигини кўрдик. Бу ерда қурилиш-монтаж ишларини жонлантириш, уни етарли маблағ билан таъминлаш борасида Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ташаббусни қўлга олмаса, муҳим тарбиявий маскан - Санъат музейи қурилиши яна бир неча ўн йиллар чўзилиб кетиши ҳеч гап эмас.

Абду РАҲМОН, «Ишонч» мухбири.

«Ишонч»га жавоб берадилар

«АНГОРДА МАИШИЙ ХИЗМАТ НЕГА ҚОНИҚАРСИЗ?»

Газетамизнинг шу йил 25 октябр сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақола Ангор тумани маиший хизмат тизимида ҳисоб-китоб ишларидаги пала-партишлик, маблағнинг мақсадсиз йўналтирилиши оқибатида аҳолининг бу турдаги хизматларга бўлган эҳтиёжи қондирилмаётгани масалаларига бағишланган эди.

Қуйида газетанинг ана шу чиқиши юзасидан йўлланган жавоб хати билан танишасиз.

— Газетанинг танқидий мақоласи туман «Истиқлол» хусусий жамоа корхонаси умумий йиғилишида туман ҳокимлиги назорат инспекцияси ва истеъмолчиларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими масъул вакиллари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди ва унда кўрсатилган камчилик-нуқсонлар асосли деб топилди. Муҳокама этилган масала юзасидан қабул қилинган қарорда маиший хизмат кўрсатишдаги салбий ҳолатларга барҳам бериш чора-тадбирларининг аниқ муддатлари ва ижрочилари кўрсатиб ўтилди. Таъкидлаш жоизки, уларнинг айримларини ҳозирданоқ ҳал этишга киришилди. Жумладан, кир ювиш цехи тўла қувват билан ишлай бошлади. Ташкилот, корхоналар билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиб чиқилди ва дастлабки пул тушумлари корхона ҳисоб рақамига ўтказилди. «Кодак» мини фотолабораториясига тегишли ёрдам кўрсатилиб, ишга туширилди.

Шунингдек, ҳаммомнинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш учун мижозлар талаби ҳисобга олинган ҳолда сифатли таъмирдан чиқариляпти. Кийимларни кимёвий усулда тозалаш цехи ҳам янги йилгача иш бошлаши кўзда тутилган. Маиший хизмат нуқталарида техника хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғинга қарши аниқ саъй-ҳаракатлар давом эттирилмоқда.

Ш.БЕККЕЛДИЕВ, Ангор тумани ҳокими.

Ижтимоий ҳимоя

Бугунги кунда Тошкент вилоятида 157 та қўшма корхона фаолият кўрсатяпти. Ўрта Чирчиқ туманидаги «Қобул-Ўзбек» қўшма корхонаси Жанубий Корея республикаси билан биргаликда ташкил этилган. У вилоятдаги энг йирик корхоналардан биридир. Махсулотнинг 90 фоизи экспорт қилинади.

ИШЧИ ҒУРУРИ

Жами 2400 нафар ишчи ва хизматчини ўз сафига бирлаштирган корхона касаба уюшма қўмитаси ва унинг раиси Татьяна Головашенко жамоа шартномаси асосида иш юритади.

Унга кўра, меҳнаткашларнинг касб малакасини оширишга алоҳида аҳамият берилаётир. Масалан, 13 нафар тўқувчи назарий ва амалий билимларини оширдилар. Ушбу мақсадлар учун кейинги икки йилда 18 миллион 600 минг сўм сарфланди. Корхона меҳнаткашлари атроф туманлардан келиши ва иш уч сменада эканлиги ҳисобга олиниб, автобуслар қатнови йўлга қўйилган. Йўл харажатлари корхона ҳисобидан қопланади.

Уч маҳал иссиқ овқат ҳам корхона ҳисобидан. Бундан ташқари 250 ўринли ётоқхонада ҳам ишловчиларга бепул хизмат кўрсатилади. Унда истиқомат қилувчи ёшлар электр энергияси ва маиший хизмат тўловларидан озод этилган.

Ишловчиларга махсус кийимлар ҳамда ҳимоя воситалари тўлиқ берилган. Ушбу мақсадлар учун йилнинг биринчи ярмида салкам 5 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Маънавият, маърифат, спорт масалалари ҳам жамоа шартномасидан ўрин олган. Кутубхона, ҳаваскорлар тўгараклари иши яхши йўлга қўйилган. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 июлдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида бу соҳага эътибор янада кучайтирилди. Тошкент вилоят касаба уюшмалари Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар асосида енгил атлетика, волейбол тўгараклари иш бошлади. Шахмат энг севимли спорт турига айланган. Ҳозир ушбу тур мусобақаларида 200 нафарга яқин тўқувчи қиз иштирок этмоқда.

Яқинда вилоят Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма қўмитасининг аралашуви ҳамда вилоят Кенгаши раёсатининг қарори билан иш соатлари қисқартирилди. Корхона маъмуриятига меҳнатни тўрт босқичда ташкил этиш ҳақида тақдимнома берилди.

Меҳнат низоларини ҳал этиш учун комиссия ташкил этилган. Тажрибали мутахассислар, ишчилардан иборат гуруҳ ишловчилар ҳақ-ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда. Бир мисол. Ишчи В.Кошина ноқонуний тарзда ишдан бўшатилганда комиссия аъзолари изчиллик ва қатъиятлик кўрсатдилар. В.Кошина ўз ишига қайта тикланди.

Қўшма корхона цехларини айланар эканмиз, бир нарса эътиборимизни тортди: ишчи-хизматчилар кўтаринки кайфиятда меҳнат қилишмоқда. Улар ўз жамоалари, эришилаётган натижалар билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Темур ҲАЙДАРОВ.

ТАДБИРКОР ҚУРГАН МАКТАБ

Саховат

Педагогика фанини ҳар томонлама ривожлантириш, ўқитувчи ва мураббийларни ижтимоий ҳимоялаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастур»ининг амалга оширилишига кўмаклашиш каби вазифалар «Маърифатпарварлар» жамиятига катта масъулият юклайди.

Жамиятимиз ўз зиммасидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида тизимдаги янгиликлар, соҳага оид қўлланмалар, илғор ўқитувчи ва мураббийларнинг иш тажрибаларини оммалаштириб бормоқда. Бундан ташқари, жамият томонидан Нарпай туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Роҳила Абдуназарованинг «Бир соатлик дарс ишланмаси» рисоласи, шу тумандаги 60-ўрта мактаб ўқитувчиси Латофат Бердиеванинг ўз иш тажрибаларини ўртоқлашган услубий қўлланмаси ва бошқа тўпламлар нашр этилди. Шу билан бирга, мактабларни ва ёрдамга муҳтож оилаларнинг фарзандларини дарсликлар ҳамда ўқув қуроллари билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Вилоят мактабларига 6,4 миллион сўмликдан зиёд дарсликлар етказиб берилгани, кам даромадли ўқитувчилар оилаларига ҳам ана шундай ёрдам кўрсатилгани шулар жумласидандир.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ўқитувчи-мураббийларни қўллаб-қувватлаш муҳим масалалар сирасига киради. Йил давомида 1-катталар таълим маркази, 61- махсус интернат, 64-махсус мактаб-интернат ўқитувчиларининг бир гуруҳи жамиятимизнинг ана шундай ёрдамидан баҳраманд бўлишди. Аммо биз учун бундан ҳам муҳимроғи, мактабларга яқиндан кўмаклашиш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлашдир. Бунинг учун ҳомийлар ҳам жалб этилмоқда. Масалан, Булунғур тумани «Ипак йўли» жамоа хўжалиги ҳудудида яшовчи тадбиркор-нафақахўр Мамаюсуф Шодмонов кўмагида 29-ўрта мактабнинг 422 ўринли янги биноси қурилиб ишга туширилди. Сиёб туманидаги 2-мактаб ҳам ана шундай имкониятга эга бўлди.

Жамоамиз вилоят миқёсида ўтказилаётган «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақалари, «Сиз қонунни биласизми?» кўрик танлови, «Саломатлик» югуриш мусобақалари, «Ўзбекистон қўшиқ байрами» каби соғломлаштириш, маънавий-маърифий тадбирларнинг фаол ташкилотчиларидан бири бўлиб келмоқда. Бу тадбирлар ўқувчиларнинг билимини мустаҳкамлаш, дунёқарашини кенгайтириш, уларни Ватанга садоқатли, маънавий баркамол қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз. Шу боис, бу борадаги ишларни мунтазам давом эттириш ниятидамиз.

Яна шуни айтиш керакки, жамиятимиз вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси билан ҳам яқин ҳамкорлик қила бошлади. Бу телекўрсатувларнинг ҳаётийлигини таъминлашда муҳим омил бўлди. Энг асосийси, биз вилоят ўқитувчиларининг эҳтиёжларини маълум даражада қондиришга, мактаблар муаммоларининг ижобий ҳал этилишига ҳамда маънавий-маърифий тадбирлар самарасига эришишга ҳаракат қиляпмиз.

Ғ.НОМОЗОВ,
Самарқанд вилоят «Маърифатпарварлар» жамияти раисининг ўринбосари.

Қашқадарёдаги «Муборакнефтгаз» конлари бошқармасига қарашли автотранспорт цехи ишчилари ойлик режани зиёдаси билан адо этиб келмоқдалар. Мавжуд техникадан унумли фойдаланиш, тежамкорликка риоя қилиш борасида ҳам иноқ жамоа намуна.

Суратда: (чапдан) бош муҳандис Х.Аҳмедов, диспечерлик хизмати бошлиғи А.Каримов ҳамда ҳайдовчи Р.Қобилов ўзаро мулоқот чоғида.

З.РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

НОЁБ ШАРБАТ

Нукус туманида Россия, Литва мамлакатлари ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган янги «Персей» қўшма корхонаси яқин кунларда витаминларга бой сабзи шарбати ишлаб чиқаришни йўлга қўяди.

Ушбу туманда хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, Исроилнинг «Нефатим» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Қорақалпоғистон» иссиқхона хўжалигида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга нафақат республика бозорларида, балки чет мамлакатларда ҳам эҳтиёж кўпаяётгани эътиборга лойиқ.

Яқин кунларда Россия ва Литва ишбилармонлари билан 150 минг АҚШ доллари миқдорида низом жамғармасига эга «Персей» қўшма корхонаси ишга туширилади. У асосан сабзи шарбати ишлаб чиқаради. «Персей» ўз маҳсулоти билан маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, хорижга ҳам экспорт қилишни мўлжалламоқда.

«Бандлик» дастури амалда

ИККИ МИНГ КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

Очиқ турдаги Риштон йигирув-тикув фабрикаси Фарғона вилоятидаги илғор саноат корхоналаридан ҳисобланади. Корхонада ишчилар меҳнати, улар ижтимоий ҳимояси яхши йўлга қўйилгани боис маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги ошди.

— Акциядорларимизнинг моддий манфаатдорлигини ошириш диққат марказимизда, - дейди корхона раҳбари Махаммаджон Мамасидиқов. 1997 йилда ҳар бир акция учун дивидент тўлаш 41 сўмдан тўғри келган бўлса, ўтган йили 106 сўмни ташкил этди. Жорий йилда бу кўрсаткични янада оширишни мўлжалламоқдамиз.

Ишчиларнинг ўртача ойлик маошлари 15-16 минг сўмни ташкил этяпти. Мукофотлар қўшиб ҳисобланса, бу рақам янада ортади. Қолаверса, ҳар бир ишчи ҳар куни 200 сўмдан, бир ойда 4,5 минг сўм тушлик пули оляпти. Ой якунида «Энг яхши касб эгаси» мусобақаси ғолибига 5 минг сўмдан мукофот берилмоқда.

Машрабжон Абдуллаев, Акбарали Ғозиев, Муҳсинжон Исмоилов, Низомиддин Дадабоевлар раҳбарлик қилаётган йигирув, тикув ва тайёрлов цехлари жамоаларининг корхона эришаётган муваффақиятларида алоҳида ҳиссалари бор.

Пахта толасини қайта ишлаб, ип газлама ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган жамият маҳсулотлари Мустақил Ҳамдўстлик давлатларида ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Бу эса жамоанинг зиммасига янада масъулият юклайди.

Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ишловчиларнинг яшаш шароитларини яхшилаш масаласига ҳам эътиборни қаратмоқдалар. 32 оилага мўлжалланган ётоқхона қурилиши ниҳоясига етай деб қолгани фикримиз далилидир. Корхона йил-ўн икки ой тўла қувват билан ишлаётгани икки минг нафарга яқин риштонликларни иш билан таъминлаш имконини берди.

Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин!

Олтинсой тумани «Алпомиш» ширкат хўжалиги ҳудудидаги Абдулла Қаҳҳор номли 47-ўрта мактабда эътиборга арзигулик ишлар амалга ошириляпти. Мактаб жамоасига тажрибали устоз Шафоат ака Мирзаев раҳбарлик қилади.

— Шафоат Мирзаев ўтган йили Денов бозоридан 3 килограмм сосна уруғининг килосини 5000 сўмдан олганди, — деди у. — Яхши парвариш қилди. Мана, ўша арчалар 8 квадрат метр жойда ўсяпти. 20 минг туп бўлибди. Насиб этса, баҳорда сотса, камида 4 миллион сўмлик даромад олади. Буни чинакам халқ таълими фидойиси деса арзийди. Бошқа ҳосиллардан келадиган даромад ўз йўлига. Кейин 548 нафар ўқувчи, 45 нафар ўқитувчига ҳам ҳар ойда шу ҳисобдан мукофотлар бериш йўлга қўйилади. Даромаднинг бир қисмига 5 та синфхона қурилади. Изланса, ҳамма жойда имкон бор. Ҳозирги педагог раҳбар шундай ишбилармон ҳам бўлиши лозим.

ЎҚУВЧИЛАРГА МОДДИЙ КЎМАК

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАН

Унинг ташаббуси билан мактаб ҳовлисидаги 60 сотих ер экинзор ва дарахтзорга айлантирилди. 25 сотих жойда ерёнғоқ, 30 туп хурмо, 40 туп терак ўстирилянпти. 15 сотих ердаги помидор шунчалар ҳосил қилдики, ҳатто кеч кузгача маҳсулот олинди. Фойдаси ҳам шунга яраша бўлди. Шунингдек, 600 килограмм хурмо меваси, 40 туп терак ёғочи, 500 килограмм ерёнғоқни ҳам накд пулга сотишди. Олинган даромадга мактабни таъмирлашди ҳамда ўқув дарсликлари сотиб олишди. Бу хабар бутун туманга тарқалди. Тажрибани оммалаштиришга бошқа мактаб директорлари жалб этилди. Мактаб томорқасидан топилган маблағ ҳисоблаб чиқилганда 100 минг сўм соф фойда кўрилгани маълум бўлди.

— Бу пуллар бошланғич касаба уюшма қўмитамиз қарори билан кам таъминланган оилаларга, отаси ё онасидан ажралган ўқувчиларга моддий ёрдам сифатида тақсимланди, — дейди мактаб директори.

Тажриба алмашгани, иш ўргангани келганларнинг эътиборини туман халқ таълими бўлими мудири Аҳмад Жалилов бир масалага қаратди.

— Арча кўчатини сўровчилар ҳозирдан кўп. Харидорлардан бири Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармасидир. «Ботаника», «Чинобод», «Турон» каби ўнлаб сиҳатгоҳларга уни ўтказишмоқчи.

Ҳа, меҳнатдан келган мўмай даромад чекка бир қишлоқдаги мактабни янада обод ва кўркам этмоқда. Қани эди, бу ташаббус бошқа туманларда ҳам кенг қулоч ёзса.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

НУРОТА ФЕРМЕРЛАРИ

«Зулмсарой» фермер хўжалиги 1991 йилда дастлаб кичик корхона сифатида ўз фаолиятини бошлаган бўлса, 1998 йилдан ростмана фермер хўжалигига айланди. Бутун умрини, қалб ҳароратини мактабга — ёшлар тарбиясига бағишлаган Бекмурод Хўжамовга 100 гектар унумсиз майдонни кўрсатишганда, у бошқалардек иккиланиб ўтирмади. Унинг назарида ернинг яхши-ёмони йўқ. Чунки, ерни боқсанг, у сени ҳам боқади. Амалда ҳам шундай бўлди. Зулмсарой ерларидан баракали ҳосил олинди. Давлат қабул пунктларига ғалла ортиғи билан топширилди. Айниқса, сабзавот, полиз маҳсулотлари болалар боғчаларидаги кичкинтойлардан тортиб бозордаги харидорларгача манзур бўлди. Қарабсизки, ишлар юришиб кетди. Олинган фойда эвазига 100 бош қўй ҳам сотиб олинди. Чўлда боғ-роғ яратишдек хайрли ишлар кўлами кенгайиб борди. Нурота туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги ҳудудидаги «Зулмсарой» фермер хўжалиги банкдан кредит олмай, ўз кучи, имкониятига таянган ҳолда қад ростлади.

Эзгуликнинг қаноти бор, дейдилар. Зулмсарой ва унинг ён-атрофларида бирин-кетин янги фермер хўжаликлари вужудга кела бошлади. Боғ-роғ, экинзорлардан асрий даштликлар бағри яшнаб кетди.

Нурота даштларида деҳқончилик қилишнинг ўзи бўлмайди.

— Экинларни шартли суғоришда ҳам катта қийинчилик мавжуд, - дейди фермер хўжалиги раиси Б.Хўжамов. - Ҳосил айни гулга кирган пайтда электр энергияси узиб қўйилмоқда. Бунинг натижасида ўтган йили ва шу йил экилган ғалла ҳосилининг маълум қисми нобуд бўлди. Фақат мен эмас, атрофимиздаги 100 га яқин қудуқ сувидан фойдаланаётган фермерлар кимларнингдир «тежамкорлиги» жабрини тортишди. Келгусида бундай хатоликлар, муаммоларга барҳам берилади, деган умиддамиз.

Албатта, Зулмсаройда яратиш ишқи билан меҳнат қилаётганларнинг муаммоларини ҳал этишга мутасаддилар алоҳида эътибор беришлари лозим. Бу — нафақат ишлаб чиқаришни кенгайтириш, балки бу ердаги аҳоли турмуш шароитини яхшилашда муҳим омил бўлади.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

НОГИРОНЛАРГА АРАВАЧАЛАР

Қорақалпоғистон Республикасида ўтган давр мобайнида ногиронлар учун 1 миллион 795 минг сўмлик миқдорида аравачалар ҳадя этилгани уларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг бир бўлаги холос.

Қорақалпоғистон Республикаси ногиронлар жамияти раиси Тожиғали Хўжамуродовнинг таъкидлашича, республикада ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган давр мобайнида улар учун умумий нархи 1 миллион 795 минг сўмлик аравача ҳадя этилди. Бундан ташқари пойтахтимиз Тошкентда жойлашган ногиронларни реабилитация қилиш марказига тўртта йўлланма берилди. Шунингдек, 172 нафар кишига 237 минг 210 сўм миқдорида моддий ёрдам кўратилди.

Болалар орасидан иқтидорлиларини аниқлаш мақсадида «Умид», «Мафтункор ранглар дунёси» ижодий танловлари ўтказилди. Ғолиблар республика миқёсида ўтказилган фестивалда муваффақиятли иштирок этдилар.

Нукус шаҳрида жойлашган ўқув ишлаб чиқариш корхонасида 434 нафар ўғил-қиз компьютер оператори мутахассислиги бўйича тўлиқ курсларни тугатди. Бугунги кунда уларнинг 127 нафари ишга жойлаштирилди. Каунтерпарт концерциум уюшмаси томонидан олинган грант ҳисобига шаҳарда дурадгорлик устахонаси очилди. Шунингдек, мактабларга қатнаб ўқиш имкони бўлмаганлар учун ўз уйларида таълим олиш имконияти яратилди.

«Туркистон-пресс»

Истеъмолчи манфаати — муқаддас

Жиззах вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси томонидан Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимидаги корхоналарда ўтказилган текшириш натижалари шуни кўрсатдики, ҳали мазкур тизимда амалдаги қонунларга қатъий риоя қилиш борасида бир қатор камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Улар асосан меҳнаткашлар талаб-эҳтиёжларини қондиришда бефарқлик, уларга енгиллик, қулайликлар яратишдаги оқсаш ҳолатларида кўзга ташланади.

ЯНА БАҲОНАМИ?

Жиззах шаҳар 2-сонли хўжалик ҳисобидаги уй-жой бўлимига бир йилдан ортиқроқ вақт ичида истеъмолчилардан 43 та ариза ва шикоят тушган. Уларнинг мазмуни асосан томларнинг устки қисмини таъмирлаш, ертўлада сувларнинг йиғилиб қолиши, иссиқ сувнинг юқори қаватларга чиқмаётгани ва бошқа муаммолар хусусидадир.

Бўлим томонидан ариза ва шикоятларнинг 21 таси қониқарли ҳал қилинган, холос. Қолган 22 тасининг тақдири ҳанузгача мавҳум бўлиб турибди.

Айтишларича, бунинг асосий сабаби — уй-жой бўлимида истеъмолчилар томонидан хизмат ҳақининг ўз вақтида тўланмаслиги ва бунинг оқибатида материаллар сотиб олиш учун маблағ етишмаслигидир. Бирингки, аҳвол шундай ҳам бўлсин, дейлик. Лекин, ойлар мобайнида баҳонани рўкач қилиш ўрнига муаммоларни ҳал қилишга имкон берадиган йўлларни излаб топиш мумкин эди-ку?!.

ИДОРА НОМИ «СИР» ТУТИЛМОҚДА?

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида «Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари тўғрисида маълумот, яъни сотувчи ўз ташкилотининг фирма номи, унинг жойлашган манзили ва иш тартиби лавҳада акс эттирилиб истеъмолчиларга маълум қилиши шарт» деб кўрсатилган. Бироқ шунга қарамай, Жиззах шаҳридаги 1,2,5,6-уй-жой бўлимлари, Ғаллаорол, Даштобод, Зомин туманлари коммунал фойдаланиш бошқармалари, Жиззах шаҳар «Сувоқова» корхонаси, Даштобод, Зомин газлаштириш, вилоят «Иссиқлик манбаи» корхоналари раҳбарларининг қонунга амал қилмай келишлари кишини таажжубга солади. Мазкур корхона ва идораларнинг номлари акс этган пешлавҳаларни истеъмолчилар кундуз куни чироқ ёқиб ҳам топишолмаяпти. Бу ҳолга мутасаддилар нима дейишаркин?

НОҚОНУНИЙ ДАРОМАД

Текширишлардан маълум бўлишича, айрим жойларда истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқларини менсимасдан кўрсатилаётган хизматларга ортиқча нарх белгилаш ҳисобига корхона иқтисодиётини кўтармоқчи бўлган раҳбарлар ҳам бор экан.

Чунончи, Ғаллаорол туман «Сувоқова» корхонасида шундай аҳвол анча вақтдан буён давом этиб келаётгани кузатилди. Мазкур корхона раҳбарияти сувга ортиқча нарх белгилаш ҳисобидан жами 53 ҳолатда 16612 сўм ноқонуний даромад олган.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, бу ҳолга чек қўйилди. Айбдорлар жазоланди.

КЕЧИРАСИЗ, «ЁДДАН КЎТАРИЛИБДИ»

«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари қандай бажарилаётгани юзасидан ўтказилган текширишда жиддий қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. Жумладан, вилоят «Иссиқлик манбаи» корхонаси томонидан Қонуннинг 5-моддаси 4-банди талаблари қўпол равишда бузилишига йўл қўйилган. Яъни, корхона томонидан кўрсатилган хизмат учун истеъмолчи ўз вақтида ҳақ тўламаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,05 фоиз устама жарима (пеня) тўлаши кўрсатилган. Лекин корхона томонидан ўз вақтида истеъмолчиларга иссиқ сув ва иссиқлик энергияси етказиб берилмаса, устама жарима тўланиши нима учундир «ёддан кўтарилиб» белгиланмай қолган.

Ана шундай бир томонлама манфаатли шартномалар тузиш Пахтакор туман «Сувоқова» корхонасида ҳам кузатилди. Тузилган 18 та шартномада истеъмолчи ичимлик суви ва канализация хизматлари учун пул маблағини 10 кун давомида ўтказмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун 1 фоиз жарима тўлайди, 10 кундан ошса, ҳар бир кун учун 2 фоиз, 20 кундан ошса, 3 фоиз жарима тўлашлиги белгиланган. Бироқ бундай ҳолатларда хизмат кўрсатиш идораси зиммасига ҳеч қандай мажбурият юкланмаганлиги тўғрими? Узр, бу томони ёдларидан кўтарилибди...

Илҳом ОЛТМИШЕВ,
Жиззах вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасининг бўлим бошлиғи.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

TV дастури

4–10 декабр

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 4

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
*
8.45, 17.55 ТВ-маркет
8.50 Лирик тароналар.
9.10 Кино янгиликлари.
9.25, 12.35 ТВ-метео
9.30 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.25 «Фил йўқолди». Бадиий фильм.
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
12.05 «Соғлом авлод - бу бизнинг келажагимиз».
12.45 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда - Қорақалпоғистон Республикаси.
13.10 Телевизион новеллалар театри.
14.10, 17.25 ТВ-анонс
14.25 Болалар учун. «Ҳа, Ҳа, Ҳа».
14.45 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
15.15 «Ошиқ Ғариб». Бадиий фильм.
16.25 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
16.45 «Рамазон ойингиз муборак!»
17.05 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
17.35 «Зарғалдоқ». Мультфильм.
18.10 ТВ-патруль.
18.20 «Мусиқа бекати».
18.30 «Тафсилот».
18.45 ТВ-клип
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
21.35 «Футбол шарҳи».
21.50 Рамазон туҳфаси. «Валийлар сардори». Бадиий фильм.
23.20 «Ахборот».
23.55 «Экспедиция». Телесериал. 36-қисм.
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан душанба, 4 декабр «Ёшлар» телеканали соат 17.00да бошланади
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус», «Мульттомоша».
17.35 «Ўзбекистон бастакорлари: Тилаш Хўжабердиев».
17.55 «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан».
18.15 «Истеъдод-2000». Ҳаваскорлар телевизион танлови.
18.35 «Қадрият». Халқаро ногиронлар кунига.
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Жараён».
19.55 «Олтин мерос».
20.05 «Ёшлар овози».
20.25 «Муҳаббат қўшиқлари».
20.35, 21.20, 22.30 Эълонлар
20.40 «Жаҳон отин - Увайсий». Кўп қисмли телевизион фильм. 1-қисм.
21.25 «Қишлоқдаги тенгдошим».
21.45 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
1.10-1.15 «Хайрли тун».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 20.00, 23.05, 00.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 ТТВда сериал: «Қора дур доналари».
19.10, 20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.10 «Омад» тележурнали.
21.30 «Автo-news».
21.45 «Экспресс» телегазетаси.
22.00 «Эҳтиром ила».
22.20 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 Кинонигоҳ. «Сўнгги романс». 1-қисм.
1.05-1.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.00-9.00
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультчархпалак».
16.25 «Клип-антракт».
16.30 «Вести».
16.55 «Бобил минораси». Сериал.
18.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Бинафша».
18.25 «Саёҳатлар олами».
*
19.00 «Мени кутгил».
19.45 «Жадаллаштирилган ёрдам-2». Сериал.
*
20.20 «Вақт хазинасидан».
20.35 «Х- Спорт».
*
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.40 «Бизнес-ревю».
21.50 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
22.45 «ТВ-4» да «Немис тўлқини».
23.00 «Клип-антракт».
23.10 Кинематограф. «Бокиралик асри». Бадиий фильм.
1.15 «Ахборот» (рус тилида)
1.40 «Тунингиз осуда бўлсин».

СЕШАНБА, 5

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Марказий газеталар шарҳи.
8.55 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
9.15 «Қуёшли юрт қўшиқлари». Мусиқий дастур.
9.35, 12.45 ТВ-метео.
9.40 «Алломиш авлодлари». Спорт дастури.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мио, болагинам Мио». Бадиий фильм.
11.40 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
12.05 «Маънавият» дастури.
12.50 «Дунёқараш».
13.00 «Экспедиция». Телесериал. 36-қисм.
13.50, 16.35 ТВ-анонс
14.10 Футбол. XX асрнинг сўнгги жаҳон чемпионати. Нимчорак финал. Дания - Нигерия.
15.50 «Ҳамма кўриши шарт эмас». Дам олиш дастури.
16.45 «Рамазон ойингиз муборак!»
17.05 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Миттивойлар оиласи». Кинокўрсатув.
18.25 «Ҳуқуқий жамият сари».
18.45 «Куйла, ёшлигим». Концерт.
19.05 «Мулқдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
21.35 «Футбол шарҳи».
21.50 Рамазон туҳфаси. «Валийлар сардори». Бадиий фильм.
23.20 «Ахборот».
23.55 «Экспедиция». Телесериал. 36-қисм.
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан душанба, 4 декабр «Ёшлар» телеканали соат 17.00да бошланади
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус», «Мульттомоша».
17.35 «Ўзбекистон бастакорлари: Тилаш Хўжабердиев».
17.55 «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан».
18.15 «Истеъдод-2000». Ҳаваскорлар телевизион танлови.
18.35 «Қадрият». Халқаро ногиронлар кунига.
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Сийрат».
19.55, 20.30, 22.30 Эълонлар
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Ракурс».
20.35 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Ҳалокат».
21.25 «Гап бор».
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Каталог».
22.40 Тунги тароналар ва Эколаш.

М. ҚОДИРОВ олган сурат.

21.05 Санъат усталарининг концерти.
21.40 Рамазон туҳфаси. «Файрат». Бадиий фильм.
23.10 «Ахборот».
«Тунги ҳамроҳ».
23.40 «Мен билган, билмаган дунё».
24.00 «Экспедиция». Телесериал. 37-қисм.
00.50-00.55 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Боланинг тили», «Эркатой».
9.50, 15.40 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 «Давр»-интервью.
10.15 «Рей Брэдбери театри». Телесериал. 34-қисм.
10.40 «Бизнес-академия».
11.00 «Истеъдод-2000». Ҳаваскорлар телевизион танлови.
11.20 «Даллас». Телесериал.
12.05 «Ҳудуд».
12.35 Болалар экрани. «Бемби». Мультфильм.
13.40 «Stil-NO».
14.05 Бухоро телевидениесининг «Ёшлар» телеканали тақдим этади: «Муносабат».
14.25 «Таянч».
14.40 «Жаҳон отин - Увайсий». Кўп қисмли телевизион фильм. 2-қисм.
15.20 «Ёшлар овози».
15.45 «Биринчи мўъжиза».
16.05 «Ҳуқуқ ва бурч». Янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамаси.
16.45 «Баҳодир шоҳ Зафар». Телесериал. 7-қисм (якунловчи)
17.30 «Авторейд».
* * *
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50 «Янги авлод» студияси: «Қувноқ учрашув», «Мульттомоша».
18.25 «Олтин мерос».
18.30 «Далил ва шарҳ». Олий Мажлис сессияси олдидан.
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Сийрат».
19.55, 20.30, 22.30 Эълонлар
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Ракурс».
20.35 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Ҳалокат».
21.25 «Гап бор».
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Каталог».
22.40 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.50 «Даллас». Телесериал.
23.35 «Давр». Ахборот дастури.
23.50 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.20-1.25 «Хайрли тун».

7.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
7.55 «Экспресс» телегазетаси.
8.10 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
8.55 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида)
9.20-9.40 «Омад» тележурнали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 20.00, 23.10, 00.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 ТТВда сериал: «Қора дур доналари».
19.10, 20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.10 «Омад» тележурнали.
21.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.50 «Экспресс» телегазетаси.
22.05 «Эҳтиром ила».
22.25 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 Кинонигоҳ. «Ўта муҳим».
1.05-1.10 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.00-9.00
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультчархпалак».
16.25 «Клип-антракт».
16.30 «Вести».
16.55 «Бобил минораси». Телесериал.
18.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
*
18.10 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
*
18.45 «Соккер клуб».
*
19.00 «Инсон ва қонун».
19.40 «Талабларга биноан бекат». Сериал.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
*
21.50 «Бизнес-ревю».
22.00 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
22.40 Клип антракт.
22.45 «Дурдаршан».
23.10 Кинематограф. «Бир юз бир кеча». Бадиий фильм.
00.45 «Ахборот» (рус тилида)
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин».

ПАЙШАНБА, 7

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет
8.40 Марказий газеталар шарҳи.
8.55 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
9.15 «Қуёшли юрт қўшиқлари». Мусиқий дастур.
9.35, 12.45 ТВ-метео.
9.40 «Алломиш авлодлари». Спорт дастури.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Болалар учун. «Қўғирчоқлар жонланганда».
10.30 «Устоз».
10.45 «Ўғай она». Бадиий фильм.
12.05 «Саодат қасри».
12.30 «Қўшиқ - маънавият кўзгуси».
13.00 «Экспедиция». Телесериал. 37-қисм.
13.50 ТВ-анонс.
14.10 «Қиёфа».
14.30 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
15.10 «Юлдузингни бер, осмон». Бадиий фильм.
16.30 «Қалб тароналари». Концерт.
16.45 «Рамазон ойингиз муборак!»
17.05 «Битик».
17.20 ТВ-клип.
17.30 «Харита». Халқаро шарҳ.
17.45 «Шеър ва шуур».
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.30 Олий Мажлис сессияси олдидан «Парламент вақти».
18.45 «Олтин мерос».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт («Туркистон» саройидан ёзиб олинган)
22.35 Рамазон туҳфаси. «Раҳмат эшиклари». Бадиий фильм.
23.50 «Ахборот».
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси : «Қувноқ учрашув», «Мульттомоша».
9.50, 16.10 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 «Сийрат».
10.20 «Рей Брэдбери театри». Телесериал. 35-қисм.
10.45 «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан».
11.05 «Даллас». Телесериал.
11.50 «Садо-99» саҳифаларидан.
12.00 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
13.30 «Жараён».
13.50 «Бу мунис лаҳзалар».
14.10 «Ёшлар, огоҳ бўлинг: ОИТС».
14.50 «Ҳайрат».
15.10 «Олтин мерос».
15.20 Телетомошабинлар талабларига биноан. «Кондорлар». Ҳужжатли фильм.
16.15 «Сенинг вақтинг».
16.35 «Спорт-қитъаси».
* * *
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит», «Мульттомоша».
17.45 «Иймон».
18.05 «Олтин мерос».
18.10 «Табобат оламида».
18.25 «Мезон».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 Танишинг: Дилшод Бойхонов.
19.50 «Давр»-интервью.
20.05 «Олтин мерос».
20.15 «Ёшлар овози». Конституция ва ёшлар.
20.35, 21.20, 22.30 Эълонлар
20.40 «Жаҳон отин - Увайсий». Кўп қисмли телевизион фильм. 3-қисм.
21.25 «Бегойим».
21.45 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.10-1.15 «Хайрли тун».

7.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
7.55 «Экспресс» телегазетаси.
8.10 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
8.55 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида)
9.20-9.40 «Омад» тележурнали.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 20.00, 23.35, 1.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 ТТВда сериал: «Қора дур доналари».
19.10, 20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.10 «Омад» тележурнали.
21.30 «Суғурта – Сизнинг манфаатингизда».
21.50 «Экспресс» телегазетаси.
22.05 «Асосий қонун». Конституция кунига бағишланади.
22.20 «Саховат».
22.30 «Эҳтиром ила».
22.50 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05 Кинонигоҳ. «Қайсар қизнинг қуйилиши».
1.50-1.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.00-9.00
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультчархпалак».
16.25 «Клип-антракт».
16.30 «Вести».
16.55 «Бобил минораси». Телесериал.
18.15 «Кусто командасининг барча саёҳатлари». Сериал.
18.45 «Бугун оламда».
18.55 «Клип антракт».
19.00 А. Гордон ва В. Соловьёв «Судлов жараёни» дастурида.
19.40 «Империя хавф остида».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
22.40 Клип антракт.
22.45 «Кино сайёраси».
23.05 Кинематограф. «Эркак ва аёл». Бадиий фильм.
00.40 «Ахборот» (рус тилида)
1.05 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЖУМА, 8

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган узлуксиз теледастур
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
*
8.35, 17.55 ТВ-маркет
8.40 Марказий газеталар шарҳи.
9.00 «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
9.20 Байрам табриги.
9.25 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
9.40, 12.30 ТВ-метео
9.45 «Озод юрт одамлари». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00 «Спорт, спорт, спорт». Телешарҳ.
10.15, 18.20 ТВ-клип.
10.20 Телевизион миниатюралар театри.
10.55 «Кодекс».
11.10 Байрам табриги.
11.15 «Маугли». Мультфильм.
12.50 «Сомон йўли».
13.10 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт (Ёзиб олинган)
14.40 «Болалар дунёси».
15.15 Байрам табриги.
15.20 «Суюнчи». Бадиий фильм.
16.30 «Битта байроқ остида».
16.45 «Рамазон ойингиз муборак!»
17.05 «Ҳамоҳанг қалблар». Концерт.
17.25 Байрам табриги.
17.30 «Конституция - менинг тақдиримда».
18.00 Болалар учун. «Мен дунёни кўраяпман».
18.25 «Адолат мезони».
18.45 «Наво таралсин». Концерт.
19.05 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Тиббиёт оламида».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман, Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Қўшиқ-ла ҳаёт гўзал». Мусиқий дастур.
22.00 Рамазон туҳфаси. «Узун кеча». Бадиий фильм.
23.30 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
24.00 «Ахборот».
00.35 Тошкентда Халқаро кураш ассоциацияси ижроқўми йиғилиши.
1.05-1.10 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

7.50 Кўрсатувлар дастури.
7.55 «Байрамингиз муборак бўлсин!»
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Олтин калит», «Мульттомоша».
9.35 «Ёшлар овози». Конституция ва ёшлар.
9.55 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
10.05 «Давр»-интервью.
10.20 «Байрамингиз муборак бўлсин!»
10.25 «Ниҳол» мукофоти совриндорлари қуйлайди.
10.40 «Даллас». Телесериал.
11.25 «Байрамингиз муборак бўлсин!»
11.30 «Буюк Ипак йўли». Мусиқий спектакль.
12.30 «Тангалик болалар». Бадиий фильм.
13.50 «Байрамингиз муборак бўлсин!»
13.55, 16.15 «Мусиқий лаҳзалар».
14.05 «Жаҳон отин - Увайсий». Кўп қисмли телевизион фильм. 3-қисм.
14.45 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
* * *
16.20 Кўрсатувлар дастури.
16.25 «Янги авлод» студияси: «Ватанимни куйлайман», «Мульттомоша».
17.00 «Истиқлол қайтарган номлар».
17.15 «Байрамингиз муборак бўлсин!»
17.20 «Олтин мерос».
17.25 «Автосалтанат».
17.40 «Аскар мактублари».
18.00 «Меҳр кўзда». Паркент тумани меҳнаткашлари билан учрашув.
18.40 «Байрамингиз муборак бўлсин!»
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «ТВ-анонс».
19.35 «Азизим». 1-қисм.
20.00 «Байрамингиз муборак бўлсин!»
20.05 «Аср қиёфаси».
20.25, 21.15, 22.30 Эълонлар
20.30 «Жаҳон отин - Увайсий». Кўп қисмли телевизион фильм. 4-қисм.
21.20 «Азизим». 2-қисм.
21.50 «Олтин мерос».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «ТВ-анонс».
22.35 «Байрамингиз муборак бўлсин!»
22.40 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
22.50 «Яратганга шукур». Бадиий фильм.
0.10 «Давр». Ахборот дастури.
0.25 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
1.15-1.25 «Мунаввар тонг истаб».

7.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
7.55 «Экспресс» телегазетаси.
8.10 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
8.55 «Эътиқод».
9.10 «Омад» тележурнали.
9.30 «Она юртим – сени куйлайман». Мусиқий дастур.
9.50 «Асосий қонун».
10.05 Кинонигоҳ. «Водиллик келин».
11.30-11.55 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида)
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 20.00, 23.10, 1.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 ТТВда сериал: «Қора дур доналари».
19.10, 20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
21.10 «Омад» тележурнали.
21.30 «Истиқлол қомуси». Конституция кунига бағишланади.
21.50 «Эҳтиром ила».
22.10 «Экспресс» телегазетаси.
22.25 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 Кинонигоҳ. «Мафтунингман».
1.25-1.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 7.00-9.00
*
15.00-16.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультчархпалак».
16.20 «Эътироф».
16.30 «Вести».
16.55 «Болалар олами». Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган «Соғлом авлод юлдузлари» болалар фестивали.
19.05 «Бобил минораси». Телесериал.
19.55 СФИ тақдим этади: Монте Карлодаги цирк дастурларининг 23 халқаро фестивали.
*
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар».
21.00 «Время».
*
21.50 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
22.40 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланади. «Бизнинг йўлимиз» дастури.
23.00 Кинематограф. «Тақдир эшиги». Бадиий фильм.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 9

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Янграсин шўх яллалар».
9.10 «Ҳидоят сари».
9.35, 12.15 ТВ-метео
«Умид» намойиш этади:
9.40 «Умид» ахбороти.
9.55 «Орзулар қанотида».
10.15 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
11.00 «Боши қотган ошиқлар». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
12.20 «Мен нечун севаман, Ўзбекистонни!» Публицистик кўрсатув.
12.55 «Хуш кайфият». Мусиқий дастур.
13.20 «Динозавр». Мультфильм премьераси.
14.35 «Дўстлик» видеоканали: 1. Мехрангез. 2. Жетиген.
14.55 ТВ-анонс.
15.05 Футбол. XX асрнинг сўнгги жаҳон чемпионати. Нимчорак финал. Франция - Парагвай.
16.45 «Рамазон ойингиз муборак!»
17.05 «Қўшиқларимиз Сизга армуғон».
17.25 Болалар учун. «Фламинго».
17.45 «Нотаниш дил суҳбати».
18.00 «Уйғоқ қунлар». Кинокўрсатув.
18.20 «Ватанни севмоқ иймондандир».
18.40 «Санъат олами».
19.00 «Мусиқа бекати».
19.10 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Соғлом авлод - бу бизнинг келажагимиз».
21.35 Эстрада тароналари.
21.55 «Навоийхонлик».
22.05 Рамазон туҳфаси. «Азиз Маҳмуд ҳудойи йўли». Бадиий фильм.
23.45 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
00.20 «Хайр, ширин орзулар». Бадиий фильм. 1-қисм.
1.35-1.40 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Ватанимни куйлайман»; «Мульттомоша».
9.35 «Табобат оламида».
9.55 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 «Жаҳон жўғрофияси». «Сирли ҳайвонот олами».
10.50 «Бола тилидан».
11.20 «Ёшлар» телеканалида спорт: Ринг қироллари.
12.10 «Достоннинг давоми». Видеофильм.
12.25 «Ёшлик наволари».
12.35 «Ракурс».
12.55 «Жаҳон отин - Увайсий». Кўп қисмли телевизион фильм. 4-қисм.
13.35 «Кутилмаган меҳмон».
13.55 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
14.55 «Сир».
15.10 Болалар учун мультфильм. «Тасвирчи Кипс кимсасиз оролда».
15.30 «Иймон».
15.50 «Олтин мерос».
15.55 «Азизим».
* * *
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Мульттомоша».
17.35 Болалар учун: «У ким? Бу нима?»
17.55 «Ёшлар овози».
18.15 «Мусиқий лаҳзалар».
18.25 «Европа билан ҳамкорликда».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс ва Эколаш.
19.35 «Ҳайрат».
19.55 Сиз севган хонанда: Авазбек Олимов.
20.15, 20.55, 22.50 Эълонлар
20.20 «Сени излаб» Телевизион бадиий фильм.
21.00 «Тафаккур ёлқинлари».
21.20 «Футбол плюс»
21.40 «Бири ой, бири қуёш» мусиқий дастур
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Каталог».
22.40 Тунги тароналар ва Эколаш.
22.50 Шанба экрани. «Отелло - қора бўрон». Бадиий фильм.
0.30-0.35 «Хайрли тун».

9.00 «Тонгги пойтахт».
9.50 «Омад» тележурнали.
10.10 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
10.50 2000 йил - Соғлом авлод йили. «Спорт-тайм».
11.10 «Мусиқий меҳмонхона».
11.35 «Экспресс» телегазетаси.
11.50 «Сайёрамиз бўйлаб». 56-қисм.
12.15 «Дўстлик» видеоканали. «Чинсен», «Немис шарҳи».
13.00 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
13.45-14.35 «Жаҳон географияси».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Митти юлдузлар».
18.15 «Дурдона».
18.30 «Глобус».
18.50 «Экспресс» телегазетаси.
19.05, 20.25 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт». Ҳафталик шарҳ (рус тилида)
21.10 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
21.50 «Омад» тележурнали.
22.10 «Сухбатдош».
22.30 «Эҳтиром ила».
22.50 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 Кинонигоҳ. «Муҳаббат барини кечиради».
1.00-1.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.20 «Инглиз тили Сиз учун».
9.45 «Кино сайёраси».
10.05 «Дурдаршан».
10.30 «Арманистон ҳақида этюдлар».
10.50 «6х9». Шоу дастури.
11.35 «Экран зийнати ва қиймати».
11.55 Кинематограф. «Америкалик қизча». Бадиий фильм.
13.25-13.55 «Немис тили».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бинафша».
18.20 «Саёҳатлар олами».
18.35 «Ташриф».
18.50 «Бобил минораси». Телесериал.
*
19.40 «Мўъжизалар майдони».
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.55 «Нима? Қаерда? Қачон?» 25 йил эфирда.
23.05 «Бизнес-ревю».
23.15 «Мюзик-холл».
23.35 Кинематограф. «Энаганинг саргузаштлари». Бадиий фильм.
1.05 Ахборот (рус тилида)
1.30 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЯКШАНБА, 10

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «Умрбоқий қўшиқлар». Концерт.
9.30 «Ғаройибот».
«Умид» намойиш этади:
9.45 «Умид» ахбороти.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Бахтимизга омон бўлинг».
11.20, 12.55 ТВ-метео
11.25 2000 йил - Соғлом авлод йили. «Оналар мактаби».
11.45 «Маҳаллада дув-дув гап». Бадиий фильм.
13.05 «Мозийдан бир мўъжиза».
13.20 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
14.25 «Туҳфа». Мусиқий дастур.
14.55 ТВ-анонс.
15.05 «Спорт уик-энд».
15.25, ТВ-клип.
15.35 «Мумидолга куз келди». Мультфильм.
15.50 «Қалб гавҳари».
16.10 «Ёр ва диёр тароналари».
16.45 Рамазон ойингиз муборак!
17.05 «Ўлмас мерос». О. Хўжаев.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.25 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.45 «Мусиқа бекати».
18.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Тўртинчи ҳокимият». Таҳлилий кўрсатув.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий-дам олиш дастури.
21.45 Рамазон туҳфаси. «Бизни кечиринг». Бадиий фильм.
23.00 ТВ-анонс.
23.15 «Олам футболи».
«Аср мўъжизаси»
кинодастури.
23.45 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
00.05 «Хайр, ширин орзулар». Бадиий фильм. 2-қисм.
1.15-1.20 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR Telekanali

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар», «Мульттомоша».
9.35 «Футбол плюс»
9.55 «Мусиқий лаҳзалар».
10.05 «Ёшлар овози».
10.25 «Дастхат».
10.45 «Гап бор».
11.10 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. «Марду-майдон», 2. «Аскар мактублари», 3. «Аскар ҳангомалари».
12.05 «Қишлоқдаги тенгдошим».
12.25 «Сени излаб» Телевизион бадиий фильм.
13.00 Дониёр Файз куйлайди.
13.25 «Динозаврлар билан сайр». Телесериал. 5-қисм.
13.55 «Меҳр кўзда». Паркент тумани меҳнаткашлари билан учрашув (такрор)
14.35 «Мудҳиш хато». Бадиий фильм.
16.00 «Тафаккур ёлқинлари».
16.20 «Олтин мерос».
16.30 «Учинчи сайёра» маърифий дастури: «Ҳалокат».
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» почтаси, «Шум болалар», «Мульттомоша».
18.05 «Синфдош».
18.25 «Очун».
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр»-news.
19.15 «Якшанбада кўришгунча».
19.30 «Кўҳна оҳанглар». Ўзбекистон халқ артисти Маъмуржон Тўхтасинов.
19.55, 21.00, 22.40 Эълонлар
20.00 «Чангак». Видеофильм.
21.05 «Маслаҳат».
21.50 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Давр». Ҳафта ичида.
22.45 «Ёшлар» телеканалида премьера. «Қиш адоғи». Бадиий фильм.
0.15-0.20 «Хайрли тун».

9.00 «Тонгги пойтахт».
9.50 «Омад» тележурнали.
10.10 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
10.50 2000 йил – Соғлом авлод йили. «Спорт олам

Одамзот умри ўзига хос учликдан иборат. У туғилади, яшайди ва вақти-соати етганда, фоний дунёни тарк этади. Бу ҳаёт тарзи Одам Атодан буён давом этиб келмоқда. Аммо Инсон ана шу учлик орасидаги кисқа умрини кандай кечиради? Бу умр аслида унга синов учун берилганини биладими? Ўтаётган хар бир куни имтихон эканидан хабардорми?

ҲАЁТ САБОҒИ

«Чаёнгул» филми хусусида

Иқтидорли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Ҳой Гулшод, Гулиш» асари асосида суратга олинган Собир Назармуҳаммедовнинг «Чаёнгул» филмини томоша қиларканман, хаёлимдан ана шундай фикрлар карвони қалдироқ солиб ўтди. Чунки тугаётган асрда «Ўзбекфилм» тухфаси сифатида томошабинларга тақдим этилган мазкур асарнинг мағзида ҳам шу фалсафа ётади.

Филмни кўрган томошабинни кинодаги илк манзара — чаёнгулнинг ерга урилиб парчаланишидан то эзгулик тимсоли бўлган кекса муаллим кўзларида сўнаётган нур, ноқобил фарзанднинг исноди тўшакка михлаган инсоннинг сўнгги нафасигача ҳайрат тарк этмайди. Асар номидаги «чаён» ва «гул» сўзлари бирикмаси фикримизча, яхши топилма бўлган.

Бадиийтдаги таносиб санъати талабига кўра, «гул» ва «булбул» сўзларигина ёнма-ён келиши мумкин. Чунки уларнинг бири иккинчисини доимо тақозо этади. Аммо кинодаги бири иккинчисини инкор этувчи сўзлардан ташкил топган Чаёнгул - чуқур рамзий маънога эга бўлган, ҳаётий умумлашмаларни ўзида мужассамлаштирган аёлнинг бадиий тимсолидир. Гулдек нозик, гулдек нафис аёлни эътиборсизлик, лоқайдлик, чигал ҳаётий сабаблар чаёнга айлантиради. Филм ана шу сергаклантирувчи руҳи билан ҳам ижтимоий-фалсафий мазмун касб этади.

«Чаёнгул»да бири иккинчисини тўлдириб, бойитиб турувчи икки ўткир сюжет йўналиши мавжуд. Уларнинг бирида инсон қалбига эътиборсизлик уни нафосат тимсолидан чаёнга айлантирса, иккинчисида ғунча очилмасданоқ хазон бўлади. Ҳирс ботқоғига ботган, инсон тақдирига енгилтаклик билан муносабатда бўлган Ашурнинг тажовуз қилганига чидаёлмаган мактаб ўқувчиси Асал ўзини осиб қўяди. Филмдаги бундай руҳий-драматик воқеалар талқини томошабин қалбини ларзага солади. Уни безовта юрак билан инсон тақдири ҳақида ўйлашга, фикр юритишга, мушоҳада қилишга ундайди.

Филмдаги ҳозирги қишлоқларимизнинг манзаралари тасвирига уйғун равишда мос тушган куйлар, ўткир сюжет бурилишларига омухта бўлиб кетган бадиий-тасвирий воситалар жамулжами «Чаёнгул»нинг эътиборли томонларидандир. Шунингдек, унда истеъдодли актёрлар гуруҳи шакллантирилган.

Томошабинлар қалбини ларзага солган Чаёнгул образини «Чархпалак» кўп қисмли телевизион бадиий филмидаги лўли қиз тимсоли билан кўпчиликнинг меҳрини қозонган Илмира Раҳимжонова ижро этган бўлса, унинг синглиси - айни гулғунчалигида бадном бўлиб, хазонликка юз тутган Асал тимсолини ёш актриса Нигора Раҳимова ўйнаган. «Чаёнгул»даги бадиий-тасвирий воситалардан фойдаланиш меъёрлари, ижро маҳорати, асар мазмунига сингдирилган ҳаётий фалсафа ва айниқса, сценарий ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Зеро, филмда худди шу сценарий-пойдеворнинг бақувват жойлари ҳам, мулоҳазали томонлари ҳам кўзга яққолроқ ташланади. Аммо бу вазифани мутахассис олимларимизга, қилни қирқ ёрадиган кино мунаққидларига қолдирган ҳолда бир мухлис сифатида кўнгилдан кечган фикрларимизни мухтасар қилдик.

Темур ҚУРБОН,
филология фанлари номзоди.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

Яқинда Юқоричирчиқ туманида вилоят «Матлуботсавдо» бошқаруви, савдо, умумий овқатланиш матлубот кооперация ходимларининг касаба қўмитаси, Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда «Энг яхши сотувчи», «Энг яхши ошпаз», «Энг яхши қандолатчи» кўрик танлови бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманларда ғолиб деб аниқланган 40 га яқин соҳа ходимлари иштирок этдилар.

Янгийўл туманидаги «Гулбаҳор» универсами сотувчиси Г.Акбарова «Энг яхши сотувчи» деган номга сазовор бўлди. «Энг яхши қандолатчи» ва «Энг яхши ошпаз» совринини эса Зангиота туманидаги қандолатчи Ш.Умарова ҳамда 2-ошхона ошпази А.Турсуновлар қўлга киритдилар. Ғолиблар вилоят савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқ касаба қўмитасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Н.ЖАЛИЛОВ.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ўқитувчилар зиммасига масъулиятли вазифалар юклади. Бўка тумани халқ таълими бўлими ходимлари буни қалбдан ҳис қилган ҳолда фаолият юритмоқдалар. Айниқса, тумандаги 2-мактабнинг биология ўқитувчиси Д.Темиров ҳамда математика ўқитувчиси Г.Бўриевалар ўтаётган ҳар бир дарсни мазмун ва моҳиятига кўра ҳақиқий ҳаёт сабоғи дейиш мумкин.

Суратларда: мактаб ҳаётидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Воқеа арафасида

ЎЗБЕК КУРАШИ ОЛИМПИАДА ДАСТУРИГА КИРИТИЛАДИ...МИ?

8 декабр куни Тошкентда Халқаро кураш ассоциацияси ижроия қўмитасининг Кенгаши бўлади. Унда иштирок этиш учун мамлакатимизга Осиё, Африка, Европа, Америка қитъаларидаги ўн учта давлатдан Халқаро кураш ассоциацияси ижроия қўмитаси аъзолари ва кузатувчилар ташриф буюрадилар. Улар орасида Халқаро кураш ассоциацияси ижроия қўмитасининг вице-президенти, Америка қитъаси кураш конфедерацияси президенти Эдгар Клауре (Боливия), Халқаро кураш ассоциацияси ижроия қўмитасининг вице-президенти, Африка қитъаси кураш конфедерацияси президенти Андре Френч (ЖАР), Халқаро кураш ассоциацияси ижроия қўмитасининг спорт директори, Япония кураш федерациясининг Бош котиби Хидео Камата, Халқаро кураш ассоциацияси ижроия қўмитасининг котиби, Польша кураш федерацияси президенти Мечислав Бигошевски, Халқаро кураш ассоциацияси президентининг ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиси, Ҳиндистон кураш федерациясининг вице-президенти, Деҳли штати парламентининг спикери Киран Чоудхари каби нуфузли кишилар бор.

Сир эмаски, миллий курашимиз жаҳон майдонида туб бурилиш даврини бошдан кечирмоқда. Бинобарин, Халқаро кураш ассоциациясининг икки йиллик фаолияти давомида дадил олға силжиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди: бешта қитъада ўттиздан зиёд Миллий кураш федерациялари очилди, жаҳон ва қитъа биринчиликларидан тортиб то миллий чемпионатларгача бўлган турли даражадаги мусобақалар ўтказишнинг тизими ишлаб чиқилиб, катталар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати, йирик халқаро мусобақалар бўлиб ўтди.

Халқаро кураш ассоциациясининг раҳбар органи ҳисобланмиш унинг ижроия қўмитаси таркибини шакллантириш жараёни амалга оширилди. Эндиликда Халқаро Кураш ассоциацияси ва кураш ўз ривожининг иккинчи босқичига қадам қўймоқда.

Халқаро кураш ассоциациясида оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда ассоциация раҳбарияти билан ўтказилган матбуот анжуманида ҳам шу ҳақда гапирилди.

— Йиғилишда аср охирида ўзбек курашини ривожлантириш, уни жаҳон майдонига чиқиш бўйича қилинган ишларга якун ясалиб, келгусида амалга оширилиадиган вазифалар ҳамда режалар белгилаб олинади, - деди жумладан Халқаро кураш ассоциациясининг президенти Комилжон Юсупов. — Чунончи, ҳозирги кунда кураш бўйича учинчи жаҳон чемпионатини ўтказиш учун Арманистон, Литва ва Венгрия давлатлари ўз номзодларини қўйишган. Биз ушбу йиғинимизда бу масалани ҳам ҳал қилиб олишимиз керак. Кураш бўйича мусобақаларни ташкил қилиш юзасидан кейинги йил тақвими, 2001 йилги бюджет тасдиқланади. Бундан ташқари, кейинги тўрт йил давомида бутун дунёда ва қитъаларда курашни ривожлантириш дастури қабул қилинади, ХКА ассоциацияси Низомига ўзгаришлар киритиш, Халқаро спорт федерацияси бош ассоциацияси таркибига кураш, ХКАга аъзо бўлган мамлакатларда Халқаро Кураш академияси бўлимларини очиш, ХКАга аъзо мамлакатларда Бутун дунёда курашни ривожлантириш жамғармаси бўлимларини очиш, Тошкентда амалий-семинар машғулотларини ўтказиш масалалари ҳам кўриб чиқилади. Энг муҳими, миллий курашимизни ёзги Олимпиада ўйинлари дастурига киритиш масалалари ҳам муҳокама қилинади. Шуни айтиш керакки, ҳозирги кунда курашни Осиё ўйинлари дастурига киритиш юзасидан муайян ишлар кетмоқда. Шу босқичдан ўтилгач, унинг олимпиададан ўрин олиши масаласи ҳам осонроқ ҳал бўлади.

Матбуот анжуманида сўзга чиққан Халқаро кураш ассоциациясининг бошқа мутасаддилари ҳам қитъа давлатларида Халқаро Кураш академияси филиалларини очиш бўйича қилинаётган ишлар ва бу борадаги режалар, ХКА спорт департаментининг фаолияти, замон талаблари асосида Низомга киритиладиган ўзгаришлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтишди.

Хуллас, Халқаро кураш ассоциациясининг бўлажак Кенгашида жуда муҳим қарорлар қабул қилиниши кутилмоқда. Бу эса ўзбек миллий спорт турининг янги асрдаги истиқбол йўллари ёрқин эканлигидан дарак бермоқда.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Китоб жавонингизга

Инсон саломатлиги учун ғоят қимматли маслаҳатлар берувчи «Ҳаммабоп тиббиёт қўлланмаси» ва «Янги ҳаёт яралишининг мўъжизаси» деб номланган китоблар ўқувчиларга тақдим этилди. Бунда Ўрта Осиёга Бегараз Ёрдам (CAFE) ташкилотининг Андижон бўлими, Андижон Тараққиёт маркази ходимларининг алоҳида хиссаси бор.

ҲАММАБОП ТИББИЙ ҚЎЛЛАНМА

«Ҳаммабоп тиббиёт қўлланмаси» инсон саломатлигини сақлашга мўлжалланган бўлиб, асли испан тилида ёзилган. Жаҳоннинг элликдан ортиқ тилига таржима қилинган бу қимматли қўлланмадан юздан зиёд мамлакатлар тиббиёт ходимлари фойдаланиб келишмоқда. Китоб барча учун тушунарли, содда ва равон тилда ёзилган. Унда касалликларнинг олдини олиш, беморга биринчи ёрдам кўрсатиш, дори-дармондан тўғри фойдаланиш, тез-тез учраб турадиган касалликларни даволаш, оналар учун йўл-йўриқлар, қимматли маслаҳатлар берилган.

«Янги ҳаёт яралишининг мўъжизаси» китобида эса аёлнинг ҳомиладорлик давридан то фарзанд дунёга келиши-ю, ундан кейинги бола тарбияси тўғрисида лўнда тушунчалар берилган.

Акмал АЛЛАМУРОДОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЯНГИ АСРГА ЭЗГУ НИЯТЛАР БИЛАН

Юнусобод туманидаги 273-мактабда тумандаги вояга етмаган ёшлар ва болалар иштирокида «Янги асрга — гиёҳванд моддаларисиз» шиори остида кеча ўтказилди.

Кечанинг очилиш маросимида сўзга чиққан туман «Маънавият, ижтимоий сиёсат ва маданият» мажмуаси бош мутахассиси Хайрулла Қиличев улғаяётган ёш авлод қанчалик соғлом, билимдон бўлса, она юртнинг истиқболи шунчалик порлоқ бўлишини айтди. Х.Қиличев дунё бўйича келажак фожиаси саналаётган ОИТС ва гиёҳвандликка қарши кураш давом этаётганлигини қайд этаркан, кеча иштирокчиларига бундай эгри йўлларидан эҳтиёт бўлиш лозимлигини, бугун соғлом ва ақл-идрокли ёшларни кенг уфқлар кутаётганлигини таъкидлади.

Юнусобод туман «Маънавият ва маърифат» маркази, туман халқ таълими бўлими ва Фидокорлар миллий демократик партияси туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кеча болаларни соғлом ҳаёт тарзига ёт бўлган иллатлардан сақлаш мақсадида ўтказилди. Тадбирда туманнинг ўндан ортиқ мактаб ўқувчилари ўз чиқишлари билан иштирок этдилар. Ўқувчилар куй ва қўшиқлари, шеър ва рақслари ҳамда саҳна кўринишлари орқали гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, носоғлом тарбиявий муҳит оқибатида оила бузилиши, фарзандлар етим ва қаровсиз қолиши, ногирон болалар дунёга келишини мурғак қалблари билан ҳис этиб, ижро этдилар. Ҳамда янги асрни қандай гўзал ва соғлом тасаввур қилишларини намоён этдилар.

253-мактаб ўқувчилари томонидан ижро этилган саҳна кўринишида гиёҳвандлик билан шуғулланганлиги боис қўлга тушган бир кишининг суд залида қонун олдидаги ночор ҳолати кўрсатилганида залга жимлик чўкди. Болалар юрагида ўз айби билан тубанликка тушган инсонга нисбатан нафрат уйғонганди.

Шунингдек, кечада тиббиёт ходимларининг ОИТС ва гиёҳвандликнинг келиб чиқиши ва салбий оқибатлари ҳақидаги маърузаларини ҳам иштирокчилар қизиқиш билан тингладилар.

304-болалар боғчаси фольклор гуруҳининг гўзал рақслари, 12-мактаб ўқувчиларининг «Соғлом авлодга балли», 271-мактаб ўқувчиларининг «Ўзбекистон Ватаним» қўшиқлари кеча иштирокчиларида чуқур таассурот қолдирди.

"ISHONCH-1000"
Айланма кроссвордининг жавоблари:

Белгиланган хонадан соат мили бўйича рақам атрофига: 1. Ҳуқуқ. 2. Обуна. 3. Бухоро. 4. Касаба. 5. Рассом. 6. Тошкент. 7. Мактуб. 8. Мухбир. 9. Рағбат. 10. Наврўз. 11. Танқид. 12. Қадрият. 13. Мақола. 14. Даъват. 15. Муаммо. 16. Ниҳол. 17. Ҳикоя. 18. Спорт. 19. Саҳифа. 20. Таҳлил. 21. Шахмат. 22. Ҳакимов. 23. Вазифа. 24. Ҳикмат. 25. Дастур. 26. Футбол. 27. Қутлов. 28.Мушоира. 29. Малака. 30. Турмуш. 31. Меҳнат. 32. Нусҳа.

Очқич сўзлар: 1. Герб. 2. "Шарқ". 3. Ҳамал. 4. Қўй. 5. Сурат. 6. Тақриз. 7. Доно.

Эзгу истаклар: Қадрдон муштарийлар, газетамиз доимий ҳамроҳингиз бўлсин!



БОШҚОТИРМА

Бўйига: 1. Инглиз матрослари рақси. 2. Енисейнинг энг серсув ирмоғи. 3. Ўрдаклар оиласига мансуб парранда. 4. Ўзбек уруғларидан бири. 7. Ўрта Осиё хонликлари ҳарбий унвони. 8. Мир Алишер Навоий замондоши, шоир. 9. Классик асарларда фожеавий ролларни ижро этадиган актёр. 14. Гўзаллик. 16. Ҳаво босимини ўлчаш асбоби. 17. Катта йўл. 18. Тоза оқ пахта. 21. Думли юлдуз. 22. Жирканч. 23. Доимо яшил бўлиб турувчи бута ўсимлиги. 26. Чотқол ва Қизилтўр тоғ тизмалари орасидаги довон. 27. Бирор нарсанинг ном ёки баҳо кўрсаткичи. 30. Россиянинг ғарби-шимолидаги орол. 31. Илгари мадрасада ўқиган талабаларга қўйилган энг паст баҳо.

Энига: 5. Юнон мифологиясида уйқу худоси. 6. Мексикадаги шаҳар. 10. Ҳиндистонда ҳокимларнинг номи. 11. Бошсиз, қўл-оёқсиз инсон танасининг илмий номланиши. 12. Қадимги ҳинд халқ эпоси. 13. Ватан ...дан бошланади. 15. Россиядаги шаҳар. 17. Худони тан оладиган энг қадимий диний таълимот. 19. Худога қуллуқ қилиш. 20. Қўқон хони шоир Умархоннинг тахаллуси. 24. Шеър мисраларида такрорланувчи вазний бирлик. 25. Ҳинд мифологиясида мангулик суви, оби ҳаёт. 27. Маъноси ўз таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғлиқ бўлмаган ибора. 28. Мусулмонларнинг муқаддас ойи. 29. Оёқ кийими. 31. Сархуш қилувчи ичимлик. 32. Илм-фанни мукаммал эгаллаган киши. 33. Россиядаги дарё.

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ.

АЖОЙИБ — ҒАРОЙИБ

● Одам танасининг энг баланд ҳарорати Америкада қайд этилган. Тана ҳарорати 46,5 градусгача кўтарилган Вилли Джонс тезлик билан касалхонага етказилади. Бемор 24 кундан кейин соғайиб, уйига қайтган.

● Ҳозирги кунгача ҳаммамизга маълум кўричак касаллигига XVIII асрнинг биринчи ярмигача ҳеч қандай даво-тадбирий чора кўрилмаган деса бўлади. Кўричакни олиб ташлашга муваффақ бўлинган энг биринчи операция 1736 йили амалга оширилган. Мижоз кимсан Англия қироли Георг II эди. Операцияни Клаудиус Эмиждом исмли хирург ўтказган.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлаган.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00

Буюртма Г— 1124. 1 2 3 4 5 6